

Бақара сураси, 147-оят

13:45 / 14.12.2017 3845

Бу Роббингдан (бўлган) ҳақдир, бас, ҳаргиз шак қилувчилардан бўлма. *Бақара 147.*

Набий алайҳиссалом умрлари давомида илоҳий масалаларда бирор марта шак-шубҳага тушмаганлар. Шундай бўлса ҳам, Аллоҳ у зотга хитобан:

«...ҳаргиз шак қилувчилардан бўлма», – деяпти.

Бу нарса у кишининг умматларига, мусулмонларга кучли таъсир қилиш учундир. «Қачон ва қаерда бўлишларингизга қарамасдан, яҳудий ва бошқа бузғунчиларнинг ботил афсоналарига ишониб, шак-шубҳага бориб қолманглар, Роббингиздан келган ҳақни – Қуръонни, Исломни маҳкам тутинглар», дея танбеҳ берилмоқда.